



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

“ 2 ” февраль 20 21 у

Yayran shahri 93 sonli

Кўкон шаҳар Н.Кубро кўчасида яшовчи фуқаро
Махсудов Махмуджонга мерос қилиб
қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан
деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини
ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29-май кунги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги 97-сонли қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6-10-моддаларига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг 02.08.2016 йилдаги далолатномасига асосан фойдаланиб келаётган ер майдонларидан Кўкон шаҳар Н.Кубро кўчасида яшовчи фуқаро Махсудов Махмуджонга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 01.02.2021 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Кўкон шаҳар Н.Кубро кўчасида яшовчи фуқаро Махсудов Махмуджон 02.08.2016 йилдаги далолатномасига асосан ажратилган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Муқумий ММТП ҳудудидаги № 359қ-контурдаги 0,20(йигирма сотих) га, ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани “давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Махсудов Махмуджонга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Кадастри агентлиги бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Кўқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сесиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев